

Ёшларни ҳарбий-Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш - устувор мақсадимиз!



Термиз тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ҳарбий қисмлар, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда 14-сонли мактабда ёшлар учун ҳарбий-Ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Ўқувчи ёшларнинг Ватанга дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда туман ҳокими Шухрат Назаров бошчилигида сектор раҳбарлари, мутасаддилар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари ҳамда концерт дастурлари намоиш этилди.

Ёшлардаги Ватанпарварликни янада мустаҳкамлаш, юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини оширишда бу каби тадбирлар муҳим ўрин тутди.